# БУЮК МУҚАДДИМАДАН БУЮК ЯНГИЛАНИШ САРИ

(Бошланиши 1-бетда)

Ислом Каримов жуда оғир вазиятда, элу юрт халқнинг бошини қовуштирадиган, уни олға қараб етаклайдиган фидойи, мард раҳбарга мунтазир бўлиб турган бир кезда республикада бошқарув жиловини қўлга олди, халқнинг ҳақиқий Йўлбошчиси сифатида майдонга чиқди, ота-боболаримиз таъбири билан айтсак, юртга эгалик қилди. Юртбошимиз умумий аҳволни илк кунларданоқ тўғри чамалай билди, ҳар бир ишнинг оқибатини кўзлаб, прагматикларча иш тутди. Ислом Каримов халқ кўксидаги ғайрат-шижоатни беҳуда бақир-чақиру қаҳр-ғазабга эмас, чинакам ***бунёдкорликка*** йўналтира олди. Бунинг учун, аввало, етмиш йилдан зиёд муддат фақат "социалистик ватан учун", "социализм ғалабалари учун" яшаш ва ишлашдан чарчаган халқ кўнглида бунёдкорлик иштиёқини уйғотди. Қишлоқларда уй-жойлар учун ер ва томорқа бериш, борларини эса кенгайтириш, умуман, қишлоқ хўжалигида хусусий тармоқни кучайтириш борасидаги ташаббус ва амалий чора-тадбирлар, айниқса, бу иштиёқни жўштириб юборди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ўшанда биргина мана шу тадбирнинг ўзи билан бир нечта хайрли мақсадга эришди. Биринчидан, одамларда манфаатдорлик, келажакка ишонч ҳисси пайдо бўлди. Бу нарса эса ҳар қандай жамиятда ҳам барқарорлик гаровидир. Иккинчидан, пахта экиладиган далалар ҳисобидан томорқа ерлари ажратилиши, табиийки, халқнинг турмуш тарзига салбий таъсир этаётган пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш жараёни бошланганидан далолат эди. Пахта майдонлари 1990 йилдаёқ 300 минг гектарга қисқарди. Учинчидан, республикадаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган бундай амалий қадамлар ўзини мухолифат санаб юрган "минбар доҳийлари"нинг қўлидаги "қурол" — пуч даъволарни тобора йўққа чиқарар эди.

Сирасини айтганда, Ислом Каримов мухолифатчилик кайфиятидаги бир-икки бақироқ билан олишишни ўзига эп ҳам билган эмас. Зотан, Юртбошимиз қаршисида улардан кўра минг чандон кучли мухолифлар — республикани домига тортиб турган муаммолар ва халқимизни темир исканжага солиб ётган мустамлакачи империя кўкрак кериб турар эди. Ислом Каримов ўз куч-ғайратини ҳам, халқ қудратини ҳам, аввало, ана шу ёвларга қарши қаратди. Президентимизнинг ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, халқни жипслаштириш борасидаги ҳар бир амалий қадами ҳалиги "мухолифат"чиларнинг бақириш, жар солиш, кимларнидир айблаш имконини шу қадар камайтириб борар эдики, охир-оқибатда уларнинг тирноқ остидан кир қидиришдан ўзга чораси қолмади.

Юртбошимизнинг етук иқтисодчи экани илк кунларданоқ қўл келди. Умумий аҳволни ўнглаш, ўта танг ва кескин вазиятни барқарорлаштириш борасида биринчи галда амалий иқтисодий чоралар қўлланди.

Иқтисодиётнинг сиёсат ва мафкурадан устунлиги кейинчалик жамиятимизни ислоҳ этишда қўлланган машҳур беш тамойилнинг биринчиси сифатида қайд этилгани бежиз эмас.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ислом Каримов фақат иқтисодиётни эмас, балки маънавиятни ҳам сиёсатдан, мафкура зуғумидан холи қилишга интилди. Ўша йилиёқ тилимиз давлат мақомига эга бўлди. Бу — халқимиз тарихидаги энг буюк ҳодисалардан бири эди. Миллий қадриятларимизни тиклаш жараёни айнан мана шу даврдан бошланди. 1990 йилдан Наврўзни умумхалқ байрами сифатида қайтадан нишонлашга киришдик. Юртимиз мусулмонлари —Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайитини илк бор очиқ-ошкора байрам қиладиган, барча диний амалларни эмин-эркин адо этадиган бўлди. Ислом Каримов ташаббуси билан 1990 йилда ҳаж сафарига борувчилар учун йўллар очиб берилди. Ўша йиллари буюк муҳаддис бобомиз ат-Термизийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйи, "Бобурнома" асари яратилганининг 460 йиллиги нишонланди. Муқаддас динимиз асослари — Қуръон ва Ҳадис таржима этилиб, чоп қилина бошлади. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги шарафига 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинди.

Тасаввур этинг, буларнинг барчаси коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида, "ёвузлик империяси" деб ном чиқарган тузум шароитида амалга оширилди. Бинобарин, ҳеч бири осонликча бўлгани йўқ. Бундай ишларнинг ҳар бирини амалга ошириш учун мислсиз жасорат, метин ирода ва собитлик зарур эди.

Ўзбекистонда илк бор Президентлик ҳокимиятининг жорий этилиши собиқ марказ учун ҳам, унинг раҳбари Михаил Горбачёв учун ҳам бош гангитувчи янгилик бўлган эди. Ахир, СССР Президенти ***(1990 йил 15 март)*** сайланганидан ***ўн кун*** ўтмаёқ улкан салтанат ҳудудида яна бир Президент — Ўзбекистон Президенти ***(1990 йил 24 март куни сайланган)*** пайдо бўлиб турса, бу ҳол империяпараст раҳбарларнинг ақлига сиғадими! Дарҳақиқат, ўша воқеадан сўнг Иттифоқ Президенти фармонлари билан ёнма-ён, лекин улардан ***салмоқлироқ ва қадрлироқ*** бўлиб Ўзбекистон Президентининг фармонлари ҳам чоп этила бошлади. ***Президентнинг ҳар бир фармони гўё мустақиллик сари ташланган янги қадам эди.*** Ўзбекистон айнан шу тарика ўз ҳақ-ҳуқуқига тобора кўпроқ эга бўлиб борарди.

Ўзбекистонда Президентлик ҳокимияти жорий этилганидан кейинги даврга синчиклаб назар ташласак, чиндан ҳам, марказнинг кўрсатмаларини бажаришдан зимдан бўйин товлаш, уларга бўйсунмаслик ёки Москвада қабул қилинган қарорларнинг юртимиз манфаатларига мос ўзгача бир муқобилларини топишга интилиш тамойилларининг кучайганини кўрамиз.

Тўғри, ўша пайтларда, қизил империянинг сўнгги кунлари анча яқинлашиб қолган кезларда бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам марказга бўйсунмаслик, мустақилликка интилиш ҳаракатлари кўзга ташланиб турар эди. Лекин улардаги аксарият халқ етакчилари омманинг империяга нисбатан ғазабини авж олдириш ва шу тарика уни оёққа турғизиб, умумий душман устидан ғалаба қозонишни кўзлаб ҳаракат этар эди. Лекин империя машинасининг ушбу омма билан юзма-юз олишишга ҳам ҳоли қолмаган эди. Керакли нишонгача етиб бормаган халқ нафрати охир-оқибатда турли партияларнинг ўзаро ҳокимият талашиш жараёнида қалтис қуролга айланиб кетди. Шу боис, ана шу нафрат асосида, кейинчалик собиқ СССР ҳудудидаги айрим республикаларда фуқаролар уруши кенг тус олди, бирадаркушлик жанглари бўлди. Уларнинг айримларида бу нохуш жараён, афсуски, ҳанузгача давом этмоқда.

Ўзбекистон, улардан фарқли ўлароқ, ***эскисига эгалик қилиб, янгисини яратиш*** йўлидан борди. Албатта, катта-катта митинглар уюштириб, улар мисолида халқнинг мустабид тузумга нисбатан нафратини, озодлик йўлидаги ҳамжиҳатлигини намойиш этиш ва шу билан мақтаниб юриш унчалик қийин эмас эди. Лекин халқнинг куч-ғайрати яроқсиз тузумнинг кўпдан-кўп, бесаноқ камчиликларини бақириб-чақириб лаънатлашга эмас, ана шу камчиликлар ўрнини тўлдирадиган янги тузилмалар яратишга сарфланса, манзилга тезроқ етилмайдими? Модомики, мақсад эски уй ўрнида янгисини бино этиш экан, беҳуда нафрат ва эҳтиросга не ҳожат? Бундан кўра, мақсад аниқ бўлгач, ақл-ҳушни жамлаб, ишга киришган, ҳамжиҳатликни қуруқ сўзда эмас, ***амалда — янги жамият биносини барпо этиш жараёнида*** намоён этган дуруст эмасми? Халқимиз ҳам бежиз ***"Бўлар ишнинг бўлгани яхши, Бўлмас ишнинг тўзгани яхши",*** демайди, ахир. Ўзбекона прагматизмнинг моҳияти ҳам шунда.

Ўзбекистон мана шундай тараққиётни маъқул кўрди — Истиқлол сари амалий бунёдкорлик йўлидан борди.

Аммо бизда ҳам "митинглар демократияси"ни жорий этишга зўр бериб уринганлар бўлди. Улар фақат талаб ва даъво қилишдан нарига ўтмас, уларга қолса, Истиқлолни ҳам кимдир тоғорага солиб, тайёр ҳолда олиб келиб бериши, улар эса, "мана бу ерини бундоқ қилмабсан, ана у ерини ундоқ қилмабсан, хуллас, хатоси кўп, шу ишни биз қилсак борми, ҳамма ҳайратдан дод деб юборар эди" қабилида "раҳбарлик" қилиб туришлари лозим эди.

***Президентимизнинг Истиқлол тантанасигача бўлган фаолиятининг лейтмотивини — бош ғоясини белгилаш зарурати туғилса, дадил айтиш мумкинки, халқни четдан — собиқ марказдан келаётган бўҳронлардан асраш, республикадаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш, эл-юртни яхши кунларга, озод замонларга омон-эсон етказиш бу даврда Юртбошимиз сиёсатининг асосий мезони, бош ғояси бўлган.***

Шуниси муҳимки, Юртбошимиз халқнинг омонлигини фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки ҳар тарафлама ўйлаб ҳаракат қилди. Зарурат туғилганда, халқни сиёсий жиҳатдан ҳам, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ҳимоя этишга бел боғлади, Ўзбекистон манфаатини, ўзбек халқи шаънини ҳар недан муқаддас деб билди. "Пахта иши" деган тамға билан ноҳақ қамалганларни озод этиш, ўзбек халқи номига қаратилган сиёсий айбловларни рад қилиш — буларнинг барчаси халқнинг омонлиги йўлида қилинган буюк ишлар эди. Энг мушкул дақиқаларда ҳам беқарорликка йўл қўймаслик, фуқаролараро ҳамжиҳатликни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, минтақамиз тинчлигини асраш учун гоҳ Қирғизистон, гоҳ Тожикистон, гоҳ Туркманистон, гоҳ Қозоғистон раҳбарлари билан тинимсиз музокаралар олиб бориш ва яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш, СССР давридаёқ тенг ҳуқуқли минтақавий ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш — барчаси эл тинчлигини ҳар нарсадан аъло билган раҳбарнинг энг олий мақсадидан далолат эди.

Ислом Каримов собиқ Иттифоқ ҳудудида биринчи бўлиб советча моделдаги олий ижро ҳокимиятини ислоҳ этди — бюрократик асосда фаолият юритувчи Министрлар Советига барҳам бериб, унинг ўрнида замон талабларига ва республика манфаатларига жавоб берувчи, самарали фаолият кўрсатадиган ҳамда бевосита Президентга бўйсунадиган Вазирлар Маҳкамасини тузиш ташаббуси билан чиқди. Ҳокимиятга раҳбарлик деганда фақат КПССнинг ҳукмронлиги тушуниладиган замонда республикада ижро ҳокимиятини тўлиқ Президент ҳокимиятига бўйсундириш — давлат бошқаруви борасида замонавий моделга ўтиш — Ўзбекистон Президентининг жуда катта синовларга тайёрланаётганидан далолат эди. Дарҳақиқат, воқеаларнинг кейинги ривожи бу ислоҳот пухта ўйлаб қилинганини тасдиқлади. Эсингиздами, Истиқлолдан икки йилча кейин, Россияда эски тузумни қўмсаш васвасаси қўзиб қолган кезда Юртбошимиз бир гуруҳ ёзувчилар билан суҳбат чоғида ***"Мен орқадаги кўприкларнинг ҳаммасини ёқиб юборганман",*** деган эди. Барҳам топган эски ҳокимият тизими — ёқиб юборилган "кўприклар"дан бири эди.

Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даври ҳокимият тузилмаларидан тез ва самарали ҳаракат этишни талаб қилар эди. Президентнинг ҳукуматга бевосита ўзи раҳбарлик қилиши Вазирлар Маҳкамаси ва унга бўйсунувчи тузилмаларнинг ана шундай талабларга мувофиқ ҳаракат этишини таъминлади.

Айнан шу боис бизда ҳокимият тармоқлари ўртасида турли сансалорликлар, тушунмовчиликлар бўлмади, аксинча, уларнинг барчаси баҳамжиҳат, қалин ҳамкорликда иш юритди.

* * *

Истиқлол озодлик йўлидаги собит интилишларнинг натижаси ўлароқ юз берди. Истиқлол — зулм зарбалари остида ҳам ўзлигини йўқотмаган, мислсиз хўрликлар азобини тортган элнинг, мудом халқи ва Ватани бахтини ўйлаган фидойи инсонларнинг, Миллат Сардорининг курашлари эвазига берилган мукофот эди.

Россиялик айрим сиёсатшунослар ГКЧП деб аталган фитначи гуруҳ содир этган давлат тўнтариши собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақиллик сари бориш жараёнини тезлаштирди, дея донолик қилади. Шу тарика гўё мустақил давлатлар ҳудудида кечган миллий озодлик ҳаракатлари аҳамиятини бироз камайтириб кўрсатмоқчи бўладилар. Башарти, республикаларнинг мустақилликка эришиши давлат тўнтариши қилиш ҳаракатлари билан боғлиқ бўлса, савол туғилади: СССР тарқалиб кетганидан кейин Россияда яна давлат тўнтаришини амалга оширишга уринишлар бўлди (1993 йил октябрь воқеаларини эсланг), хўш, ўша ҳодисалардан сўнг ушбу давлат ҳудудида нечта мустақил давлат пайдо бўлди?

ГКЧП СССРнинг ҳалокатини тезлаштирди, холос. Ушбу воқеага қадар собиқ иттифоқдош республикаларнинг айримлари, айниқса, Ўзбекистон учун мустақиллик амалдаги воқеликка айланиб бораётган, ушбу масалани фақат сиёсий жиҳатдан расмийлаштириш қолган эди.

1990 йилнинг июнидаёқ Мустақиллик декларацияси қабул қилинган эди. Республиканинг янги Конституцияси ва янги давлат рамзларини тайёрлаш бўйича ишлар бошлаб юборилганди. Ўзбекистон ҳатто мустақил ташқи сиёсат юритишга, хорижий давлатлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишга интила бошлади. Президентимизнинг 1991 йил августида Ҳиндистонга қилган ташрифи, кўпдан-кўп чет эл делегацияларини қабул қилиб, мустақил музокаралар олиб бора бошлагани — бунинг яққол далили эди. Республикамизда, Президентимиз фармонларига мувофиқ, янги-янги бошқарув тузилмалари, таълим муассасалари — институт ва университетлар, марказлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вужудга келди. Бир сўз билан айтганда, 1991 йил августида Ўзбекистон мустақил давлатчилик атрибутларига эга бўла бошлаган, энди бу жараёнга янгича суръат, янгича динамика зарур эди. Истиқлол мана шундай зарурат тақозоси эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон метин кишанлар исканжасидан халос бўлганидан кейин ҳам шошиб-ҳовлиқиб қолгани йўқ. Аксинча, ўз тақдирига янада юксак масъулият билан қараб, ўз йўлини янада аниқ белгилаб олди. Мустамлакачилик зулмидан эндигина озод бўлган ёш мустақил давлатнинг ***"Бизнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлимиз бор",*** дея жаҳон майдонига юзланиши, эътироф этмоқ керак, аввалбошда хориждаги айрим сиёсий арбобларнинг, айниқса, Россиядаги баъзи кучларнинг энсасини қотиргандек бўлди. Чунки улар "Юрсанг, фақат менинг ортимдан юр" қабилида фикрлашга ўрганган эди. Ўзбекистон раҳбарияти бундай муносабатларга парво ҳам қилмади. Чунки у янги жамият қуриш йўлидаги ислоҳотларни кимнингдир эътирофига сазовор бўлиш учун амалга оширмаётган эди. Мақсад — мамлакат халқининг орзу-умидларига, кўҳна анъана ва қадриятларига, зеҳниятига мос жамият барпо этиш эди. Ва бу мақсадни амалга ошириш борасида шунга мос йўл танланди.

Йўл танлаш борасида собиқ иттифоқдош республикаларнинг барчасида ҳам шундай иш тутилгани йўқ. Уларнинг айримлари кутилмаган эркинликдан бениҳоя ***сархуш бўлиб, ширин хаёлларга берилиб,*** ўзларини гоҳ швейцарияча бичимга, гоҳ арабий якктакка, гоҳ америкача моделга солиб кўрдилар. Ора-орада Ўзбекистонни қолоқликда айблаб ҳам турдилар. Бироқ, мана, собиқ совет ҳудудида мустақиллик мадҳиялари янграганига саккиз йил бўлибди ҳамки, бу улкан маконда на янги Швейцария, на янги бир Кувайт ва на ёки қудратли Америка пайдо бўлди. Лекин ўзига хос тараққиёт йўли билан дунё эътиборини тортган, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт кўрсаткичлари жиҳатдан барча ёш мустақил давлатлардан илгарилаб кетган Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда тилга тушгани бугунги кунда бор гап.

Ўзбекистон четдан берилган ҳамма маслаҳатларга ҳам қулоқ тутавермади. Қарз сўраб, бошқаларнинг эшигини қоқавериб безор ҳам қилгани йўқ. Шу боис Ватанимиз Ҳамдўстлик давлатлари ичида шу кунгача ташқи қарзи бўлмаган ягона мамлакат ҳисобланади.

Эсингиздадир, СССР завол топганидан сўнг ёш мустақил давлатларнинг аксарияти ўртасида ўзига хос мусобақа бошланди: ким биринчи бўлиб бозор иқтисодиётига ўтади, ким биринчи бўлиб миллий валютасини жорий этади, ким биринчи бўлиб демократия ўрнатади ва ҳоказо. Ўзбекистон бундай "биринчилик"ларга қўшилмади. Чунки улоқ чопишишнинг мавриди эмас эди.

Бизнинг ислоҳотларимиз тараққиёт билан ҳамоҳанг, ҳамнафас борди. Биз вазият тақозо этган нарсани вазият тақозо этган фурсатда ва вазият тақозо этган шаклда амалга оширдик. Тараққиёт карвонидан илгарилаб ҳам кетмадик, ундан орқада ҳам қолмадик.

Россия ва бошқа баъзи бир давлатлар иқтисодиётни фалаж қилиб даволаш (шокли терапия) йўлини тутган кезларда қанча ноғора қоқишди: мана, кўриб қўйинг, биз шундай жасоратга қўл урдик, энди олти ойга қолмай инқироздан чиқиб кетамиз. Ўзбекистон Президенти ўша пайтдаёқ бу йўл бизнинг шароитимизга мутлақо тўғри келмаслигини маълум қилди ва ҳаёт унинг фикрини батамом тасдиқлади. Дарҳақиқат, аҳолисининг тенг ярмини болалар ташкил этадиган, халқининг аксарияти ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган мамлакатда кескин ларзаларга йўл қўйиб бўлмас эди. Бизда, аксинча, кучли ижтимоий сиёсат жамиятни ислоҳ этишнинг муҳим беш тамойилидан бири деб белгиланди. Зеро, халқининг омонлигини ҳар недан юксак деб билган инсон раҳбарлик қилган мамлакатда бошқача йўл тутилиши мумкин ҳам эмас эди.

**Муртазо ҚАРШИБОЙ.**

---

Президент ташрифидан сўнг

# МАЪНАВИЙ ҲУДУД МУСАФФО БЎЛСА

Президентимиз Сурхондарёда бўлганларида ёшлар билан ҳам мулоқот қилдилар. Уларнинг меҳнати, ижоди, интилишлари билан қизиқдилар.

Термиз автойўллар чегара назорат бўлимидаги учрашув ҳам мазмунли ва мароқли кечди.

Камолиддин Пўлатов Тошкент шаҳридан. Ватан чегараларида хизмат қилайин деб, мудофаа ишлари бўлимига истак билдирган. Бир йилдирки, у чегарачи. Кичик сержант. Хизмат аълочиси. Дала машқларида у қанчалик фаол бўлса, ўз устида ишлаш — мутолаада ҳам изчил, қизиқувчан. Ватан ҳақида, юрт истиқболи, фуқаролик бурчи ҳақида ўз мушоҳадалари бор.

Камолиддин айтадики, Ватаннинг чегараси бор. Ватанфурушликнинг чегараси йўқ. Қабиҳликда чегара бўлмайди.

Юртбошимиз билан учрашув Камолиддин учун энг улуғ кун бўлди. Суҳбатнинг дилкашлигини айтинг. Саволлар оддий, самимий. Жавоблар ҳам. Гўё бир-бирини яхши тушуниб турган ота ва фарзанднинг суҳбатидай.

Президентимизнинг «Ўғлим, хизматдан сўнг нима касб билан шуғулланасан?» деган саволига Камолиддин «Жон-дилим билан халқимга ишлайман», — деди. Овози товланди. Шу саволни у мулоқотдан сўнг ҳам унутолмади. Унута олмайди ҳам. Ўша пайтда айтган жавоби бўлса энди ўзига соддароқ кўринаётгандай. Бу жавобга энди: «Ватанни ҳимоя қилиш — бу ўн беш-йигирма ойлик хизмат эмас. Бу — ижод. Бу — меҳнат, — деб қўшимча киритмоқчидай.

Маънавий ҳудудларда ғубор бўлмаслиги керак. Маънавий чегаралар аниқ-равшан, мусаффо бўлмоғи шарт. Ватанга хизмат асли худди шу нуқтадан бошланади.

Мурод Сагбоев бўлса муддатдан ташқари хизматчи. Катта сержант. Юртбошимиз унинг елкасига қўлларини қўйиб, суратга тушаётган дақиқаларда унинг кўнглидан кечганлари шундай бўлди: Мустақилликнинг нони билан бизнинг бўйи-бастимиз ўсди. Суягимиз қотди. Тилимиз бурро бўлди. Ватан деганда биз Ўзбекистонни танидик. Муҳтарам Президентимизни танидик.

Муродбек ўзига чоғлаб, ўзини мисолга олиб айтадики, Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари энди мухолифлар, нияти бузуқлар ўйлагандай эмас. Энди улар авом эмас. Анқов эмас. Дуч келган одамга асло эргашиб кетавермайди. Бу ҳақиқатни энди исми-шарифи кичик ҳарфлар билан бошланиб ёзиладиганлар билиб қўйсинлар. Ана шундай. Ҳурматли Президентимизнинг Ватанимизнинг жанубий чегараларини қўриқлаётган ёш аскарлар ҳузурига ташрифларини юрт ҳимоячилари бир мактаб, дорилфунун, бир умрлик сабоқ сифатида юракларига жо айламоқдалар. Шу масъулиятли ҳудудларда янада ҳушёр, янада сергак туриб хизматни давом эттирмоқдалар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Мен умрини далада ўтказаётган оддий бир одамман. Ҳаётда кўп яхши-ёмон кунларнинг гувоҳи бўлганман. Кўп катта-кичик одамлар, раҳбарлар билан мулоқотда бўлишимга тўғри келган.

Аммо шу йилнинг 18 июнь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов менинг даламга келиб ишларим билан танишганда, мен билан қучоқлашиб кўришганда қаттиқ ҳаяжонландим. Ҳаётимда у кишидек бағрикенг, меҳрибон ва самимий одамни кам учратганман. Юртбошимиз мен билан очиқчасига, дилдан суҳбатлашди. Бошида бироз тортиниб турдим. Қарасам, у киши ниҳоятда очиқ кўнгиллик билан мен билан гаплашишни хоҳлаяпти. Деҳқончилик ҳақидаги фикрларимиз ҳамоҳанг эканидан хурсанд бўлдим.

Биз оила аъзоларимиз билан бу йил 13,5 гектар ерга пахта, 15 гектар ерга буғдой экканмиз. Президентимиз ташрифининг эртасига биз шартномавий режамизни бажардик. Давлат омборларига 52 тонна сара дон етказиб бердик. Насиб бўлса, хўжалигимиз ғаллакорлари мавсумда ҳар гектар майдондан ўртача 40-45 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб туришибди. Хўжалигимизда ғўза парвариши ҳам меъёрида боряпти.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли қишлоқда ерга эгалик ҳисси кучайди. Бизнинг оилавий пудрат бригадамиз аъзолари ҳам қанча яхши меҳнат қилсак, қанча кўп ҳосил олсак, даромадимиз ҳам шунча кўп бўлишини яхши биладилар. Меҳнатимиз туфайли бугун дастурхонларимиз тўкин, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ.

Президентимиз Қашқадарё вилоятига сафари давомида меҳнаткашлар билан учрашувларда ёшлар тарбиясига эътиборни қаратишимиз зарурлигини таъкидладилар. Ҳа, очиғини айтсак, биз дунёнинг ҳузур-ҳаловатини озми-кўпми татиб кўрдик. Қолган умримизни болаларимиз, фарзандларимиз деб кечираяпмиз. 16 февраль воқеалари кишини ҳушёр торттиради. Эртамиз кимнинг қўлида бўлади? Ким биз бошлаган яхши, эзгу ишларни давом эттиради? Пахта, ғалла ҳаммамизнинг ишимиз. Иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлмаган давлатнинг мустақиллиги хавф остида қолади. Буни яхши тушунамиз. Бироқ Юртбошимизнинг қайта-қайта таъкидларидан шуни англадимки, ёшлар ҳамиша биз, катталарнинг эътиборига, нафақат моддий, балки кўпроқ маънавий ёрдамимизга муҳтож. Улар биздан зўрроқ, илмлироқ, бахтлироқ бўлиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилиш бизнинг оталик бурчимиздир. Бунинг учун, энг аввало, тинчлик керак ва Оллоҳга шукрки, юртимизда тинчлик-осойишталик барқарор. Шу тинчлик ва барқарорликни авайлаб-асраш барчамизнинг бурчимиздир.

**Абдимурод БОЗОРОВ,**
**Қарши тумани "Чим" хўжалиги оилавий пудратчиси.**
**(ЎзА).**



*Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида бугунги кунда замонавий академик лицейлар ҳамда коллежлар бинолари қурилмоқда. Тошкентдаги юридик коллежи — шулардан бири. Бу иншоотни «Тошинвестқурилиш» нинг бош корхонаси — «Турон марказ» бунёдкорлари барпо этишаяпти.*

**СУРАТЛАРДА: ишбоши Жўра Муртазоев, бригада бошлиғи Саидазим Асқаров ва бош муҳандис Равшан Хўжаев лойиҳа билан танишмоқдалар; коллеж қурилишида.**

**Т. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**



*Жиноят жазосиз қолмайди*

# НАФС БАНДАЛАРИ

Сўнгги йилларда халқимизнинг маънавий ва ижтимоий онгида туб ўзгаришлар бўлгани сир эмас. Халқнинг меҳнатга, бунёдкорликка бўлган рағбати ошди, ишбилармонлик, тадбиркорлик каби сифатлари ривожланди. Ҳалол меҳнати, пешона тери билан янги ҳаёт пойдеворига ғишт қўйишни истаган ҳар бир онгли фуқаро учун барча имкониятлар яратилди. Бироқ, шунга қарамай, орамизда нафс балосига дучор бўлган, мўмай даромад кетидан қувиб, инсоф, диёнатни унутган кимсалар ҳам, афсуски, учраб турибди. Тошкент шаҳрида яшовчи, фуқаролиги йўқ шахс Жаъфар Сулаймонов шулардан биридир. Салкам пайғамбар ёшига етган бу кимса ҳалоллик, диёнат борасида ёш авлодга ўгит бериш, ўз фаолияти билан уларга ўрнак бўлиш ўрнига қариган чоғида нафс касалига учради. Унинг «даво»сини топиш йўлида қонунга қарши иш тутишдан ҳам тоймади.

Сулаймонов Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида яшовчи қизиникига бориб-келиб юраркан, у ерда гиёҳванд воситалари топиш имконияти мавжудлигини кўриб, уларни олиб сотиш билан шуғулланишга қарор қилди. 1998 йил ёзида Сулаймонов Тожикистондан сотиш учун мўлжаллаган гиёҳванд моддаларнинг намуналарини Тошкентга олиб келиб, харидор излашга тушди. Бу ишни ёлғиз уддалай олмаслигини тушуниб, у ўз таниши Ковтунов Виктор Александровичга жиноятга шерик бўлишни таклиф қилди. Мўмай даромад манбаини излаб юрган «тадбиркор» Ковтунов жиноят йўлига тушаётганини ўйламай, таклифга бажонидил рози бўлди. Қоронғида қатиқ ялашган бу кимсалардан бири Тожикистондан Тошкентга келтириб пуллаш учун гиёҳванд воситалари иккинчиси эса уларга Тошкентда харидор топишга келишдилар.

Ковтунов ўша заҳоти енг шимариб ишга киришди. Тижорат бўйича танишларидан бири гап орасида турли маҳсулотлар билан бир қаторда, гиёҳванд воситалар сотиб олиш нияти ҳам йўқ эмаслигини маълум қилганида, Ковтунов уларга гиёҳванд воситалари билан савдо қилувчи бир одам борлигини айтиб, исташса, у билан юзлаштириши мумкинлигини билдирди. Харидорлар Ковтуновнинг бу таклифига қизиқиш бирдирдилар ва уч кундан сўнг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Салом» кафеси олдида учрашишга келишдилар. Ковтунов уларни бу ерда Сулаймонов билан юзлаштиришга ваъда берди.

Эртаси куни Сулаймонов шериги Ковтуновнинг уйига қўнғироқ қилиб, ундан харидорлар топилгани, улар ўзи билан учрашиш ниятида экани дарагини эшитди. Келишилган куни Сулаймонов Тожикистондан келтирилган гиёҳванд воситаларининг икки хил намунасини олиб, соат 15.00 да «Салом» кафеси яқинида Ковтунов билан кўришди. Бироз вақтдан сўнг уларга икки киши яқинлашди. Ковтунов уларни Сулаймоновга гиёҳванд воситалари харид қилиш ниятида бўлган кишилар сифатида таништирди. Шундан сўнг Ковтунов ўз ишлари билан кетди, Сулаймонов эса харидорлар билан олди-сотди шартларини келиша бошлади. Харидорлар ўзларига 1 килограмм героин кераклигини, уни 15000 АҚШ долларига сотиб олишлари мумкинлигини билдирдилар. Мўмай пул дарагидан ўзини йўқотган Сулаймонов бу шартга дарҳол рози бўлди ва уларга керакли миқдорда гиёҳванд воситаси топиб келтиришга ваъда бериб, ёнидаги намуналарни кўрсатди. Харидорлар қайси намунадаги гиёҳванд моддани сотиб олишларини Сулаймоновга икки-уч кундан сўнг Ковтунов орқали билдиришларини маълум қилдилар.

Ўша куни кечқурун Сулаймонов шериги Ковтуновга қўнғироқ қилиб, уни харидорлар билан оғзаки келишув натижаларидан огоҳ этди. Эртасига эса у гиёҳванд воситалари изидан Хўжанд шаҳрига жўнаб кетди.

Икки кун ўтиб, Ковтуновга харидорлар сим қоқдилар ва I-рақамли намунадаги гиёҳванд воситаси сотиб олиш ниятида эканликларини билдирдилар. Эртасига Сулаймонов Хўжанд шаҳридан шериги Ковтуновнинг уйига қўнғироқ қилди ва ундан харидорлар қайси намунадаги гиёҳванд воситасини сотиб олишга қарор қилганларидан хабар топди. Гап орасида Сулаймонов Тошкентга гиёҳванд воситаларини бир кундан сўнг етказиб келтиришини маълум қилди. Шу куниёқ Сулаймонов Хўжанд шаҳридан 1 кило миқдорида героин воситасини сотиб олиб, айтилган муддатда уни Тошкентга келтирди.

Эртасига Ковтуновга харидорлар қўнғироқ қилиб, Сулаймонов билан «Салом» кафеси яқинида учрашиш ниятида эканини билдирдилар. Келишилган жойда келишилган вақтда ҳозир бўлган Сулаймонов харидорларга «мол»нинг нархи ўша-ўша қолганини, олди-сотди тушликдан сўнг шу ернинг ўзида амалга оширилишини маълум қилди. Айтилган вақтда учрашув жойига Сулаймонов бир ўзи, гиёҳванд воситасисиз ташриф буюрди. Харидорларнинг харид қобилиятига ишонч ҳосил қилиш мақсадида Сулаймонов улардан героин учун берилиши лозим бўлган пулни кўрсатишни сўради. Харидорлардан бири унга чўнтагидан бир ўрам АҚШ долларини чиқариб кўрсатди. Харидорларнинг «харид қобилияти»га ишонч ҳосил қилган Сулаймонов панада турган шериги Ковтуновни чақирди ва унга уйидан гиёҳванд воситасини келтиришни буюрди. Ковтунов ўз «устози»нинг буйруғини бажариш мақсадида йўлга тушди. Бироқ уни эгасининг қўлига топширишга муваффақ бўлмади. Ковтунов гиёҳванд воситаси жойланган халтани кўтариб, «Салом» кафесига яқинлашаётган пайтда, Сулаймонов эса уни кўзи тўрт бўлиб кутаётган жойда Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

«Жиноятнинг умри қисқа бўлади», дейдилар. Инсоф, диёнат каби соф туйғуларни унутиб, мўмай даромад изидан тушган, нафсга банди бўлган кимсаларнинг қисмати шундай аянчли хотима топди. Улар ўзларининг жиноятлари учун одил суд олдида жавоб бердилар. Яқинда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг ҳукми билан Ж. Сулаймонов ва В. Ковтунов мол-мулки мусодара этилган ҳолда 16 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар.

**Т. РУСТАМ.**





ALQUR *Бизнинг деразаларимиздан дунё гўзал кўринади.*

**Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:**

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

**Якка буюртмалар қабул қиламиз.**

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш. Тўлов шакли турлича.

Япон технологияси асосида тайёрлаш

ALQUR
Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2.
Тел.: (371) 185-67-78, Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилерларимиз:
Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс (37422) 25-25-94.
Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел. (43622) 30761.

epressa@online.ru



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

М.УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ

***1999- 2000 ўқув йили учун қуйидаги бакалавр йўналишлари бўйича қабул эълон қилади***

| | Йўналишлар | Кундузги бўлим | | Сиртқи бўлим | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўзбек гуруҳи | рус гуруҳи | ўзбек гуруҳи | рус гуруҳи |
| 1. | Драматик театр ва кино актёри | ✓ | | | ✓ |
| 2. | Қўғирчоқ театр актёри | ✓ | | ✓ | |
| 3. | Мусиқали театр актёри | ✓ | | | |
| 4. | Драма режиссёрлиги | ✓ | ✓ | | |
| 5. | Бадиий фильм режиссёрлиги | ✓ | | | |
| 6. | Телевидение режиссёрлиги | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ |
| 7. | Телевидение ва радио овоз режиссёрлиги | ✓ | ✓ | | |
| 8. | Кино-телеоператорлик | ✓ | ✓ | ✓ | ✓ |
| 9. | Санъатшунос-журналист | ✓ | ✓ | ✓ | |

**Кириш имтиҳонлари:**

1. Мутахассисликдан ижодий имтиҳон (кўп балли тизим бўйича)
2. Она тили ва адабиёт (тест)
3. Тарих (тест)

***Институтнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига кириш учун аризалар 1999 йилнинг 14 июнидан 19 июлгача қабул қилинади.***

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент, метронинг «КОСМОНАВТЛАР» бекати, Юнус Ражабий кўчаси, 77-уй.
Телефонлар: 56-29-88, 56-29-86, 56-45-68.

®/1870


## СПОРТ ЁШ ТАНЛАМАС

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) ташкил топган кунни спорт мусобақалари билан нишонлаш анъанага айланиб қолган. Унинг бу галги 105 йиллик тўйи Бутунжаҳон олимпия югуриш куни шиори остида ўтди.

Шу куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда республикамиз бўйлаб босқичма-босқич ўтказилган олимпия югуриш куни беллашувларининг финал мусобақаси бўлиб ўтди.

Ёшига қараб 18 тоифага ажратилган гуруҳлар ғолибларига қимматбаҳо совғалар ва ХОҚ сертификатлари, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Миллий олимпия қўмитаси (МОҚ)нинг дипломлари топширилди. Айниқса, шундай ғолиблардан бири 70 ёшда эканлигини инобатга олсак, спорт ёш танламас, деган иборанинг қанчалик тўғрилигига амин бўламиз.

МОҚ томонидан «Coca-Cola» фирмаси ҳомийлигида ташкил этилган мазкур тадбирда жами мингга яқин киши қатнашди.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Реклама ва эълонлар 136-09-25



«ТС-ТЕХНОЛОГИЯ» фирмаси

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- ***Саналарни** 2000 йилга мўлжаллаб тартиб билан алмаштирадиган турли хил кўринишдаги компьютерлар;*
- ***Принтерлар** - тезлиги юқори, матрицали,пуркагичли, фототасвирни бера олади; шунингдек, янги лазерли принтер HP 1100 (бир дақиқада 8 саҳифагача чиқаради).*
- *SCSI ҳамда LPT тамғали **сканерлар, ксерокслар, факслар.***



- *сервис: кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат.*
- *замонавий дастурли маҳсулотлар билан таъминлаймиз.*
- *омборхонадан маҳсулот пул тўланган кундаёқ берилади.*
- *агентларимиз ҳамиша жойларга бориб шартнома тузишга тайёр.*

**Республика минтақаларига ташкилотлар учун техникалар «ТС-Технология» фирмаси ҳисобидан етказиб берилади.**

®/1865

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222-уй. Тел\факс: (3662) 22-09-54, 22-24-75.



Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Ўрта Осиёда ягона қўшма корхона

«Лок колор синтез» заводи



УНИВЕРСАЛ, ФАСАД ЭМАЛЛАРИНИ,
ШИФТ ВА ДЕВОРЛАР, ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ УЧУН БЎЁҚЛАРНИ, ПАРКЕТ УЧУН

КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!

РАНГСИЗ ЛОК (ПФ 283 га ўхшаш), ШПАТЛЁВКА, ГРУНТОВКА ВА УНИВЕРСАЛ ЭМУЛЬСИЯ ЕЛИМИ (ПВА га ўхшаш), 70, 80, 90 , 100, 120 мм. МИХЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.



СОТИБ ОЛАМИЗ: 0,25x712x820 ўлчамли ЭЖК, ГЖК ОҚ ТУНУКАЛАРИ.
Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35. Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41. Факс: (371) 191-74-63.

11@11



SIEMENS




**SCENIC Pro:** «О PRIMERGY! Менинг энг содиқ,ишончли серверим, сен ҳар қандай миқёсларни забт этишга қодирсан. Ақллисан,аниқ ва содда ишлайсан. Қудратли тармоқ харитаси билан таъминлангансан. Мен қаерда бўлмайин, сенинг муҳофазали алоқа имконинг кенгликлар оша сен билан боғлаб туради. Мен сени кўрган куним гўзалликнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини теран англадим.

**PRIMERGY:** «О менинг суюкли ҳамкорим, шеригим! Фақат сен билан, сенинг муҳофазаланган боғланиш имконларинг, сенинг пухта ўйланган ва қулай бошқарув тизиминг туфайли кўнглим тинч, севиклим!
Биз энди умрбод бирга бўламиз»

**Худди шундай, зеро, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас!**

**Intel Pentium II процессорларига асосланган шахсий компьютерлар ва Intel Pentium II Xeon процессорли серверлар.**

**Сизни кутамиз http://www.siemens.com/ps**
**Бизга қуйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилинг: 40-67-51, 132-03-14.**
**Бизнинг манзил: 700000, Тошкент, А. Толстой кўчаси, 23-уй.**

**Бизнинг ҳамкорларимиз:**
**Хайтек, тел: 133-59-10.**
**Аверс, тел: 144-66-66, факс 144-40-39.**
**Юнивит, тел: 120-67-69.**
**Микрос, тел: 132-14-33, 132-12-77.**
**Modern Tehnologies, тел: 133-84-67, 56-50-02., факс 136-26-85.**
**NG Service, тел: 137-22-75, 137-22-76.**
**Саркор-Компьютек, 132-00-00, факс 133-48-41.**

intel inside pentium® II xeon™ PROCESSOR

**SCENIC & PRIMERGY**

1858-2


Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси девон ходими Л. М. Пиринага онаси
**Ираида Андреевна ПРИХОДЬКОнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг жамоаси академиянинг биринчи проректори Рустам Жумаевга отаси
**Зиёт ЖУМАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси жамоаси етакчи инспектор Равшанбек Машариповга онаси
**ЖУМАГУЛ аянинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми ва касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзРФА академиги, ЎзРФА Эндокринология институти директорининг илмий маслаҳатчиси Ёлқин Тўрақуловга рафиқаси
**Маҳмуда МАҲКАМОВАнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси жамоаси жамғарманинг Наманган вилоят бўлими раиси М. Ботировга онаси
**ХОЛИСХОН аянинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси шоир, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири Азим Суюнга волидаи муҳтарамаси
**НОРБУВИ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика радиосида узоқ йиллар ишлаган журналист
**Абдужалил ЗОКИРОВнинг**
узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Савдо ва умумий овқатланиш комбинати жамоаси «Феруза» кафеси ишлаб чиқариш раҳбари Қудрат Олимхўжаевга падари бузруквори
**ЮСУФХОН отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — О. Ражабов.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 23.40* 1 2 3 4 5 6